

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛГАНИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари!

Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан Хитой ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сизга ва Сиз орқали дўст Ўзбекистон халқига самимий табриклар ва энг эзгу тилакларимни билдиришга ижозат бергайиз.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган 30 йилда Хитой — Ўзбекистон алоқалари изчил ривожланиб, муваффақиятларга эришди ҳамда тинчлик-тотувлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик руҳидаги давлатлараро муносабатларнинг ёрқин намунасига айланди. Хусусан, мамлакатларимиз ислохотлар, очиқлик, тараққиёт ва қайта тикланиш борасида бири-бирдан ўрганмоқда ва тажриба алмашмоқда, коронавирус пандемиясига қарши курашишда саъй-ҳаракатларини бирлаштириб,

Ўзаро ёрдамлашмоқда, бу эса ҳар томонлама стратегик шериклигимизнинг моҳиятини тўлиқ акс эттиради.

Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларининг ривожига катта аҳамият қаратмоқдаман ҳамда дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигидан фойдаланиб, Сиз билан биргаликда мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларимиз тарихида янги саҳифа очиш мақсадида бор куч ва имкониятларни ишга солишга тайёригимни билдираман.

Фаолиятингизга муваффақиятлар ва мустақкам соғлиқ тилайман.

Дўст Ўзбекистонга равнақ ва куч-қудрат, унинг халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ҚЎЛГА КИРИТИЛАЁТГАН ҒАЛАБАЛАР

мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлар, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор туфайлидир



Ифтихор

Шахматнинг рапид йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторовга “Мард ўғлон” давлат мукофоти ва Президент совғаси топширилди.

Янгиланаётган Ўзбекистонда ёшларга юртимиз истиқболи, ёруғ келагимиз бунёдкори сифатида қаралмоқда. Уларнинг баркамол ўсиб-ўлғайиши, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши, истеъдодини юзага чиқариши, салоҳиятини намойён этиши учун қўлай шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Бинобарин, ерга қадалган нихолнинг ҳам униб-ўсиши, ҳосил бериши учун алоҳида парвариш, меҳр кўрсатиш талаб этилади. Жонажон Ватанимизда учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишга қаратилган ишлар силсиласида ёш истеъдодларни тарбиялашга, уларнинг юксак парвоз сари қанот ёзишига берилаётган эътибор ўз самараларини бермоқда.



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Бугун рақамли технологиялар барча соҳаларга ва одамлар ҳаётига жадал кириб бораётти. Мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантириш энг муҳим вазифага айланган. Президентимизнинг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан 2023 йилга бориб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улушини 2, ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 баравар ошириш, улар экспортини 100 миллион АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилган.

Нуктаи назар

Статистик маълумотларга кўра, рақамли иқтисодиётнинг мамлакатлар ялпи ички маҳсулотидagi улуши АҚШда 10,9 фоиз, Хитойда 10 фоиз, Ҳиндистонда 5,5 фоизини ташкил этади. “Vouchercloud” портали тадқиқотчилари дунёдаги “энг ақлли” 25 давлат рўйхатини эълон қилди. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, биринчи ўринни Япония эгаллаган. Кунчиқар юрт тадқиқотнинг асосий қўрсаткичлари — Нобель мукофоти лауреатлари сони, аҳолининг ўртача IQ (ақл-заковат) даражаси, мактаблардаги ўзлаштириш кўрсаткичи бўйича ҳам энг юқори баҳога сазовор бўлди. Кейинги ўринлардан Швейцария, Хитой, АҚШ ва Нидерландия жой олди. Хитой аҳоли ақл-заковат даражаси юқори бўлгани учун учинчи ўринни олган бўлса, АҚШга тўртинчи ўринда жойлашишига Нобель мукофоти лауреатлари сони ёрдам берди. Жанубий Корея, Тайвань ва Сингапур билимли (ақл-заковатли) ёшлар сони бўйича етакчи ўринларда, аммо факатгина Нобель мукофоти лауреатлари сони камлиги сабабли рейтингда юқорида жойлаша олмади.

“McKinsey” экспертларининг баҳолаши бўйича, бугунги кунда жаҳон ЯИМнинг қарийб 10 фоизи рақамли активларга тўғри келади, шу билан бирга, уларни ишлаб чиқиш суръати жаҳон иқтисодий ўсишининг 30 фоизига тенг. Рақамли активларнинг ривожланиши акселератор қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага чиқарди. Бунга мамлакатимиз ташқи савдо ҳажмининг ўсишини мисол қилиб келтириш мумкин. “Электрон ҳукумат”, “электрон бошқарув”, “телеком-муникация”, “интернет”, “веб-сайт” каби юзлаб иборалар ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланди. IT кундалик ҳаётимизнинг барча соҳасини қамраб олмоқда.

Келгуси беш йилликдаги муҳим вазифа

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида очиқлик, халқаро иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши юртимизда саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага чиқарди. Бунга мамлакатимиз ташқи савдо ҳажмининг ўсишини мисол қилиб келтириш мумкин. “Электрон ҳукумат”, “электрон бошқарув”, “телеком-муникация”, “интернет”, “веб-сайт” каби юзлаб иборалар ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланди. IT кундалик ҳаётимизнинг барча соҳасини қамраб олмоқда.

➡ 3

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИ ҲЕЧ НАРСА БИЛАН ҚИЁСЛАБ БЎЛМАЙДИ

Барча юртдошларимиз қатори мен ҳам давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригини диққат билан тингладим.

Табриқдаги “Юртимизда кенг кўламли ислохотларимиз барқарор тус олди. Уларни янада ривожлантириш мақсадида биз Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқдик. Унинг асосида “Инсон қадрини улуғвор қилиш, деган улуғвор ғояни амалга оширамыз.

Дил сўзи

Аслида бу йўналишдаги эзгу ишлар Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатни бошқаришга киришган биринчи кунданок бошланган.

Ўзбекистонда ёшларга, тиббиёт ходимларига, ўқитувчиларга дейсизми ёки Меҳ-

Биз янги йилга ном беришда, кенг жамоатчиликнинг фикрларини ўргандик. Ана шу таклифлардан келиб чиқиб, мен Янги — 2022 йили мамлакатимизда “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилишни таклиф этаман.

Инсон қадрини улуғлаш — юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир”, деган фикрлари мени ғоят тўлқинлантирди.

салик чоғимда ён-атрофимдаги инсонлар эътибори бир томон, элпарвар Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган эъзозу эҳтиром бир томон бўляпти. Шахсан Президентимизнинг қўлидан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони ва “Эл-юрт ҳурмати” орденини олдим.

➡ 2

“Uzbekistan GTL”: ТАБИЙ ГАЗДАН НОЁБ ЁҚИЛҒИ ОЛИНАДИ

Жаҳон бозорида рақобатнинг кучайиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатига янги талабларнинг пайдо бўлиши мавжуд хом ашёдан рақобатга чидамли, бозорда талаб юқори бўлган буюмлар ишлаб чиқаришни тақозо қилмоқда.

Муносабат

Шу боис мамлакатимизда сўнгги йилларда дунё бозорларида талаб юқори бўлган ярим тайёр ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга, хом ашё экспортдан тайёр маҳсулотлар экспортга ўтиш, саноат ривожини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга олиб чиқиш бўйича жадал ислохотлар амалга оширилмоқда. Натижада мамлакат

➡ 2

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЯНГИ ДАВР

Президентимиз томонидан 2021 йил 24 декабрь куни қабул қилинган “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар бутун Ўзбекистон олий таълим тизимини, айниқса, тақдирини таълим, илм-фан билан боғлаган зиёлиларни ниҳоятда мамнун этди.

Акс садо

Оддий айтганда, ушбу ҳужжатлар билан соҳада замонавийлик ва эркинликнинг янги саҳифаси очилди. Жумладан, мазкур қарорлар олий таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш, улар фаолиятида давлат маъмурий бошқарувини кескин камайтириш ҳамда шу орқали ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашдек эзгу мақсадларни қамраб олган.

➡ 4



2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИ ҲЕЧ НАРСА БИЛАН ҚИЁСЛАБ БЎЛМАЙДИ

Биласизми, давлатимиз раҳбари Самарқандга келиб, фаоллар билан учрашганидан, мен каби кўплаб нурунийлардан албатта, ҳол-аҳвол сўрашни қанда қилмайди. Масалан, ўтган йил апрель ойида вилаетимизга ташриф чоғида икки кун давомида ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, кейин мутасаддилар, фаоллар билан Самарқандда амалга оширилаётган ишларни бир неча соат муҳокама қилган ва пойтахтга қайтиш олдидан, гарчи дастурда кўзда тутилмаган бўлса ҳам, ўша пайтда ши-
фохонада даволанаётган Ўзбекистон Қарахонин, раҳматли Ҳасан Нормуродовдан шахсан бориб ҳол-аҳвол сўрагани ҳамон кўз ўнгимда. Бу Президентимизнинг шу юртининг фидойи фарзандларига бўлган ҳурмат-эҳтирмои эмасми?!

Каминга ҳам ана шундай бахт насиб этганидан ҳаммиша шукрона айтarkanман Ўртбошимиз халқимизнинг бахтига доимо соғ-саломаат бўлишини, шу элу юртга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати бундан-да зиё-

да бўлиб қайтишини Яратгандан сўрайман. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмаслиги ҳам ўтган йил октябр ойидаги сайловда яққол намён бўлди. Барчамиз, бутун халқимиз яқдил бўлиб Шавкат Мирзиёевни, у кишининг инсон қадри биринчи ўринга қўйилган ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватладик.

9 май — Хотира ва Қадрлаш кун

нида Иккинчи жаҳон уруши қатнаш

чилари хотирида мен каби нуруний

ларга ҳам Президентимиз табрик ва

соғва-салом йўллаган эди. Тўғри,

дунё кенг, лекин ўз юрти нурунийла

рига эзгу тилаклар билдирилган та

бир ва соғва-саломлар йўллаётган

давлатлар раҳбарлари кўп эмаслиги

рост-ку? Уруш қатнашчилари, фах

рийлар билан суҳбатлашсангиз, бун

дай эътибор уларга қанчалик баянд

руҳ беришини, ҳаётга, яшашга иш

тиёқ қанчалик ошишини, керак

бўлса, умрларига умр қўлишини таъ

кидлашди.

Энди шу кеча-кундузда кўнглим

дан кечганларини айтсам. Уч-тўрт кун

олдин ҳокимликдан кўнгирак бўлиб,

меҳмон боришини айтишибди. Ҳай-

рон бўлиб тараддуланиб тургандим, вилает ҳокими бошчилигида масъул кишилар хонадонимизга кириб келди. Ростки, кутмаганим, жуда мамнун бўлдим. Ахир ошигиндан вилает раҳбарлари сўраб келиб турса, эзгу тилаклар билдирса, бошинг кўкка етади-да.

Ҳокимимиз самимий инсон, барака топсин — Янги йил муносабати билан Президентимиз менга табрик ва соғва-салом юборганини айтиб, у кишининг дил сўзларини ўқиб берди. Кўнглим шодликка лим-мо-лим тўлдики, асти қўверасиз! Шу тобда танимда ўзгача куч-қайрат, шижоат пайдо бўлди. Меҳмонлар билан суҳбат чоғида мен ҳам уларга, Президентимизга эзгу тилакларимни билдирдим, кўнглимдаги туйғуларимни изҳор қилдим.

Ўзингиз айтинг, инсонни азиз, деб билиш, унинг қадрини улуғлаш шу эмасми? Албатта, бу Президентимизнинг халқимизга, юртимизда яшаётган ҳар бир инсонга бўлган жуда катта меҳр-муҳаббати ифодаси. Зеро, давлатимиз раҳбари 2022 йилга “Инсон қадрини улуғлаш



ва фаол маҳалла йили” деб ном беришни тақлиф этганида ҳам катта маъно бор.

Ортбошимизнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида жумладан, шундай дейилади:

“Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Маҳалла обод бўлса, мамлакат обод бўлади. Шу боис бундан буюн ҳар бир маҳаллада самарали иш олиб бориш фаолиятимизнинг бош мезонига айланади...

Юртимизни янада обод қилиш, замонавий уй-жойлар, жумладан, барча ҳудудимизда “Янги Ўзбекис-

ҚАЛБЛАРНИ ТЎЛҚИНЛАНТИРИБ, ХАЛҚИМИЗГА ИШОНЧ БАҒИШЛАДИ

Президентимизнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригини фарзандларим, невараларим билан бирга, оиламиз ҳам бўлиб катта ҳаяжон билан тингладик. Ушбу табрик юртдошларимизга ўзгача кайфият, руҳият, куч-қувват, ишонч ва умид бағишлади, десам, муболаға эмас.

Уни диққат билан тинглаган ҳар бир фуқаро теран маъноларни англай олди, қалблари гурур-ифтихорга тўлди, кўнгли тоғдек кўтарилди. Айниқса, Президентимиз томонидан 2022 йилга “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб ном берилиши миллионлаб фуқароларни тўлқинлантириб юборди, таъбир жоиз бўлса, ҳаракатга келтирди.

Албатта, жорий йилга бундай ном берилиши мамлакатимиз сиёсий майдонда бир неча йиллардан буюн фуқароларни муносиб иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоялаш каби илгор ғояларни илгари суриб келаётган партиямиз ва унинг барча даражадаги депутат гуруҳларидан алоҳида фаоллик талаб этади.

Бинобарин, инсон қадрини улуғлаш — юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир. Бу борада жамиятимизга асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутди. Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Маҳалла обод бўлса, мамлакат обод бўлади. Янги йилмиз-

нинг бундай номланиши эса мана шу биргина жумлада ўз ифодасини топган.

Табриқда 2022 йилда иқтисодийётимиз тармоқлари ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш эътибор марказида бўлиши, аҳоли даромадларини кўпайтириш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини оширишга қаратилган муҳим ишлар изчил давом эттирилиши айтилдики, бу аҳолини иш билан таъминлаш, камбағалликка барҳам беришнинг энг тўғри ва оқилона йўлидир. Зеро, янги иш ўринлари яратилса, минг-минглаб ёшлар, хотин-қизлар даромад манбаига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбари иш ўринлари яратиш барча даражадаги раҳбарларнинг эътибор марказида туриши кераклигини бежиз бот-бот таъкидламапти. Чунки одамлар ишли бўлса, аҳоли жон бошига даромад кўпайса, ҳаётда катта мақсадлар билан яшайди, оиласида тинчлик, ишида унум бўлади. Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича бутунлай янги тизим яратилгани ва бу борадаги ишлар изчил давом этаётганини албатта, қувонарлиқдир.

Табриқда юртимизни янада

тон массивлари”ни қуриш асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

Ишонтариб айтаманки, халқимизнинг ҳаёти янада фаровон ва мазмунли бўлиши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз”.

Ўтган йили ноябрь ойида Шавкат Миромоновичнинг Президентлик ваколатини бажаришга киришиш маросимида иштирок этгандим. Маърузада келгуси беш йилда Тараққиёт стратегияси асосида амалга оширилаётган ишлар марказида инсон, инсон қадри туриши айтилган.

Янги бошланган йилга танланган ном ана шу ҳаётинг дастур бу йилдан бошлаб, ҳаётимизда ўз аксини топишидан далолат беради. Ушбу эзгу ғоя, олижаноб мақсадни амалга оширишда фақат Президент ёки раҳбарларга қараб қолмасдан, барчамиз ҳамжиҳат бўлишимиз, биргалликда ҳаракат қилишимиз зарур. Ўзимиз ўзгаришимиз, ҳаётимизни, ҳаётга қарашларимизни ўзгартаришимиз лозим. Яшаш хонадонимиз, кўчамиз ва маҳалламизнинг обод бўлишига оз бўлса-да ҳисса қўшсак, юртимиз янада раванқ топади, ҳаётимиз бундан-да фаровон бўлади.

Муслихиддин МУҲИДДИНОВ
Самарқанд давлат университети
профессори,
филология фанлари доктори.



обод қилиш, замонавий уй-жойлар, хусусан, барча ҳудудимизда “Янги Ўзбекистон массивлари”ни қуриш асосий вазифаларимиздан бири бўлиши, халқимизнинг ҳаёти янада фаровон ва мазмунли бўлиши учун бор куч ва имкониятлар сафарбар этилиши билдирилди. Бу, ўз навбатида, халқимизнинг уй-жойга бўлган доимий ўсиб бораётган талабини қондириш, эртанги кунимиз, фаровон ҳаётимиз сари қўйилган муҳим қадамдир.

Умуман, Янги — 2022 йил ўтган йилга нисбатан янада ҳосиятли ва самарали бўлишига тўлиқ асосларимиз бор. Зотан, жорий йилда Президентимиз бошчилигида халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини, барча тоифадаги аҳоли даромадларини оширишга алоҳида аҳамият берилади. Халқимизнинг ҳаёти янада фаровон ва мазмунли бўлиши учун зарур имкониятлар сафарбар этилади.

Қаҳрамон ЭРҒАШЕВ,
Олий Маҳкам Қонунчилик
палатаси депутати.



“Uzbekistan GTL”:

ТАБИЙ ГАЗДАН НОЁБ ЁҚИЛҒИ ОЛИНАДИ



Юртимизда табиий газни қайта ишлаш тарихига назар ташласак, 1972 йилда Қашқадарё вилаетида қуриб фойдаланишга топширилган Муборак газни қайта ишлаш заводи ишга туширилиб, табиий газдан фақат олтингургурт ажратиб олиш йўлга қўйилган. 2001 йилда эса мамлакатимиздаги биринчи нефть-кимё корхонаси бўлган “Шўртан газ-кимё” мажмуаси ва кейинчалик Устюрт газ-кимё мажмуаси қуриб фойдаланишга топширилган натижасида табиий газдан саноат хом ашёларини (полиэтилен, полипропилен ва бошқалар) ажратиб олиш йўлга қўйилди.

Ушбу мажмуалар ишга туширилиши натижасида мамлакатимизда газ-кимё ва полимер маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳаси ривожланди, минглаб тайёр пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқарилган кичик саноат корхоналари ташкил қилинди. Табиий бўйиқлардан, жумладан, табиий газдан янада самарали фойдаланиш, уни чуқур қайта ишлаш орқали талаб юқори бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариши йўлга қўйиш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йил 25 декабрь куни Қашқадарё вилаети Ғузор туманида “Uzbekistan GTL” заводи очилди.

Мазкур корхона, ўзининг ноёб технологик устуңликлари ва юқори ишлаб чиқариш қуввати билан алоҳида ажралиб туради. Бу иншоот нафақат мамлакатимизда, балки минтакамиздаги нефть-газ-кимё саноати соҳасидаги энг йириги, десак, асло муболаға бўлмайди. Корхонада энг замонавий технологиялар асосида табиий газни чуқур қайта ишлаш натижасида углеводород хом ашёси импортини қисқартириш, нефть-газ тармоғининг экспорт салоҳиятини оширишга эришилди.

Хусусан, янги корхона иш бошлаши билан йилига 3,6 миллиард метр куб табиий газ қайта ишланиб, қиймати 1 миллиард доллардан зиёд бўлган 1,5 миллион тонна тайёр суяқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Жумладан, 307 минг тонна авиакеросин, 724 минг тонна дизель ёқилғиси, 437 минг тонна нефть, 53 минг тонна суюлтирилган газ тайёрланади.

Ҳам қиймати, ҳам миқёсига кўра улкан ушбу корхона маҳсулотларининг мамлакат иқтисодийётидаги тенгсиз аҳамиятини қуйидагиларда кўриш мумкин.

Биринчидан, ёқилғи импорт қамайиб, экспорт ошади.

Корхона маҳсулотлари ҳисобига, йилига 500 миллион долларлик импорт ўрни қопланади, 200 миллион долларлик экспорт ва 2 триллион сўмлик солиқ базаси ошишига имконият яратилади. Шунингдек, 300 миллион долларлик табиий газ қайта ишланиб, уни қиймати 3 баробар юқори ва дунё бозорида талаб катта бўлган тайёр маҳсулотларга айлантиришга эришилади.

Иккинчидан, авиакеросинга бўлган талаб тўлиқ қопланади.

Бу ноёб корхонада авиакеросин ишлаб чиқаришнинг қолган қисmini қоплашнинг мақсадида табиий газ қайта ишланиб, уни қиймати 3 баробар юқори ва дунё бозорида талаб катта бўлган тайёр маҳсулотларга айлантиришга эришилади.

Абдугани УМИРОВ,
Олий Маҳкам Қонунчилик палатаси депутати.

ХАЙРЛИ ИШЛАР ЯНАДА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗАДИ

Мамлакатимиз Конституцияси ўзида инсонпарварлик ғоялари ҳамда умрбоқий қадриятларни ахс эттирганлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Шу боис юртимизда ҳар доим инсон омилига бўлган эътиборга энг муҳим масала сифатида қаралади.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ахлига Янги йил байрами табригини тинглар эканман, бу борадаги хайрли ишлар 2022 йилда янада кенг қулоч ёзишидан нихоятда хурсанд бўлдим. Зеро, янги йил “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилинишида жуда катта ҳикмат бор.

Айтиш жоизки, ўтган 2021 йилда Андижон вилаетида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қарийб 142 минг нафар кам таъминланган оилаларга нафақалар учун маҳаллий бюджетдан 480 миллиард сўм ажратилиб қайтиши қутिलाётган ва меҳнат бозорига кириб келадиган 51,6 мингга яқин ёшлар бандлигини таъминлаш учун 191 мингга доимий ва мавсумий янги иш ўринлари ташкил этилиши режалаштирилди. Шу билан бирга, 161 та 4 минг 374 хонадонга мўлжалланган уй-жойни қуриш орқали аҳолининг турархўйга бўлган эҳтиёжини қоплаш белгилан олди.

Маълумки, мамлакатимизда маҳалла жамиятининг қўйи тизими ҳисобланади. Ҳамюртларимизнинг биринчи галда муҳожаат қиладиган, ҳар қандай масалаларга ижобий ечим ахтариб келадиган жойи маҳалла идорасидир. Шу боис ҳам ислохотлар, энг аввало, маҳаллада илдиш отмоғи, бунинг учун фуқаролар йиғинида



етарли шарт-шароит мавжуд бўлмоғи керак.

Ана шу мақсадда 2021 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 240 миллиард сўмдан ортқ маблағлар ўзлаштирилиши ҳисобига 5 мингга яқин яқка тартибдаги уй-жойлар таъмирланди, 113 та савдо мажмуаси ташкил этилди, 827 км. йўл, 354 км. ичимлик суви, 1147 км. электр тармоқлари, 9,9 км. табиий газ тармоқлари, 277 км. ирригация, 37 та ижтимоий соҳа объектиларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жами 31 та қишлоқ (маҳалла)да қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Бу каби хайрли ишларни жорий йилда янада фаоллаштириш мақсадида 32 та қишлоқ (маҳалла)да 633 миллиард сўмлик бунёдкорлик ва ободонлаштириш юмушлари бажарилди.

Умуман, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз аҳолисига йўллаган табриги барчамизни руҳлантирибгина қолмай, янги мақсадлар сари ундади. Олдимизга қўйган режаларни бажариш орқали юртимизда олиб борилаётган инсон қадр-қиммати янада мустақамлашдек эзгу ишга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Матлуба ҒАНИЕВА,
Олий Маҳкам Сенати аъзоси,
Андижон вилаетидagi
“Орол” МФЙ раиси.

ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ҚЎЛГА КИРИТИЛАЁТГАН ҒАЛАБАЛАР

мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлар, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор туфайлидир



Яқинда Польшанинг Варшава шаҳрида ўтказилган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ғолибликни қўлга киритган ва мазкур спорт турининг рапид йўналишида жаҳоннинг энг ёш чемпиони бўлган Нодирбек Абдусатторов — сўзимизга бир мисол.

Президентимиз куни кеча Ўзбекистон халқига Янги йил табригида таъкидлаганидек, билимдон ва ғайратли ёшларимиз катта-катта ютуқлари билан халқимизни янада қувонтиришмоқда. Мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора юксалмоқда.

Турли соҳаларда катта муваффақиятларга эришаётган ёшларимиз ҳам Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида юксак қадрланапти.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторовни тақдирлаш маросимида бу алоҳида таъкидланди.

Табриқда сўз олганлар мамлакатимизда спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодини ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзга чиқариш, жаҳон майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодли спортчиларни тайёрлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилаётганини алоҳида қайд этди.

Давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ, Нодирбек “Мард ўлгон” давлат мукофоти билан тақдирланган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Абдуҷаббор Абдувоҳидов ушбу мукофотни тантанали равишда топширди.

Шунингдек, чемпионимизга Президент совғаси — Тошкент шаҳридан ажратилган 2 хонали хонадон қалити ҳам топширилди.

Дарҳақиқат, 17 ёшли шахматчимиз не-не даҳоларни тарбиялаб, дунё тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган халқимизнинг бугун ҳам салоҳияти юксак эканини, қондан-қонга, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қувави ҳофизасини яна бир бор намён этди. У амалдаги жаҳон чемпиони Магнус Карлсен (Норвегия), қучли гроссмейстерлар саналган Фабиано Каруана (АҚШ), Левон Аронян (Арманистон), Радослав Войташек (Польша), Борис Гельфанд (Исроил) ни мағлуб этди. Ян Непомнящий, Александр Гришук, Владимир Федосеев (Россия), Гукеш Доммаражу (Хиндистон), Ян-Кшиштоф Дуда (Польша) билан дуранг ўйнади. 13 та партиядан сўнг Нодирбек Ян Непомнящий, Магнус Карлсен ва Фабиано Каруана билан бир хил — 9,5 очко тўплади. Қўшимча натижаларга кўра, ғолиб Абдусатторов ва Непомнящий ўртасидаги тай-брекда аниқланадиган бўлди. Хал қилувчи



бахсда Нодирбек ғалаба қозониб, жаҳон чемпионига айланди.

Ёш шахматчимиз 2016 йили Россиянинг Сочи шаҳри мезбонлиқ қилган мактаб ўқувчилари ўртасидаги жаҳон чемпионатида иккита олтин медалга сазовор бўлганди. 2016-2017 йилларда Россия ва БААда ўтказилган нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб, халқаро гроссмейстер талабини бажарган ва дунёнинг энг ёш халқаро гроссмейстерига айланганди.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда шахматни ривожлантиришга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Бош вазир ўринбосари мамлакатда ушбу спорт турини оммалаштириш, унинг нуфу-

зини ошириш, аҳоли орасида кенг тартиб қилишга бевоқиф масъул этиб тайинланганининг ўзи кўп нарсани англатади.

Президент томонидан 2021 йил 14 январдаги “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ республикада шахматни 2025 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) тасдиқланди. Бундан кўзланган мақсад юртимизда шахмат билан мунтазам шуғулланувчилар сонини 3 фоизга етказишдир.

Дилшод КАРИМОВ
(“Халқ сўзи”).

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Электрон ҳукумат ва ягона интерактив хизматлар портали орқали 178 та хизмат йўлга қўйилди ҳамда ушбу хизматлар аҳолининг вақти ва харажатларини тежамокда.

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Шу боис рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Рақамли технологиялар нафақат махсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни, айниқса, коррупцияни кескин камайтиради.

Шу ўринда рақамли иқтисодиёт тушунчасига тўхталиб ўтсак. Бу ўзаро боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш, сотиш, қилиш, алмашиш, истеъмол қилиш ва бошқарув жараёнларининг (инсонлараро, машиналараро, булутлар ва катта ҳажмдаги рақамлар (BIG DATA) орқали) рақамли технологиялар ҳамда интернет ёрдамида маълумот алмашишини оптималлаштириш орқали катта фойда қўришга қаратилган фаолиятдир.

Шу ўринда алоҳида қайд этиб ўтиш кераки, янги бир уйғонши даври — учинчи Ренессансга пойдевор қўйилаётганлиги истиқболимизнинг улуғворлигини намоян этади. Илмсиз, маърифатсиз жамият ва мамлакат тараққиётини тасаввур қилиш мушкулдир. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг асарида “Билимсиз киши мевасиз дарахтдир, мевасиз дарахтни оч киши нима қилсин?!” деб илм-маърифатнинг ўрни нақадар долзарб ва муҳимлигини кўрсатиб ўтган. Давлатимиз раҳбари томонидан илм-маърифатга алоҳида урғу берилиши ва бу орқали рақамли иқтисодиётни ривожлантириш масалалари кун тартибига қўйилиши Ўзбекистон танлаган йўл фақат бир манзилга олиб боришини, яъни иқтисодий-ижтимоий, сиёсий жиҳатдан қучли, бозор иқтисодиёти қонунлари тўлиқ амал қиладиган жамият қуришининг янги босқичига ўтганимизни аққол ифода этади.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича аниқ миқдор кўрсаткичлари ҳам белгиланган бўлиб, даврий жиҳатдан 2020 — 2023 йилларни қамраб олади. Хусусан, 2020-2021 йилларда барча соғлиқни сақлаш муассасалари, мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотларини, шунингдек, қишлоқлар ва маҳаллаларни юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш ҳамда алоқа хизматлари сифатини ошириш, рақамли инфратузилмани тўлиқ модернизацция қилиш ва замонавий телекоммуникация хизматларидан барча ҳудудларда фойдаланиш имкониятини таъминлаш, 2022 йилга қадар электрон давлат хизматлари улушини 60 фоизгача етказиш-



ни ҳамда 2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улушини 2 бараварга кўпайтириши кўзда тутади.

Амалий саъй-ҳаракатлар самараси

қаратилаяпти. Жумладан, соғлиқни сақлаш, кадастр, ижтимоий ҳимоя, қишлоқ ҳўжалиғи, таълим йўналишларини рақамлаштириш бўйича амалий жараёнлар бошланди ва тез орада ўзининг ижобий самараларини беради.

Рақамли иқтисодиёт жамиятда муайян ўзгаришларни юзага келтиради, хусусан, унинг меҳнат шaroитларига таъсири сезиларли бўлади. Рақамли трансформация шарoитида автоматлаштириш жараёнларининг қучайиши, сунъий интеллект, улкан маълумотлар билан ишлайдиган аналитик тизимлар, роботлардан фойдаланиш қўламининг ортиши меҳнат ресурслари учун ўринбосар бўлиб хизмат қилади. Натижада бизнес юритиш шарoитлари такомиллашиб ва самарадорлик сезиларли даражада ортади.



узоқ куттириб қўймади. “Speedtest Global Index” 2020 йил июнь ойи натижаларига кўра, янги маълумотларни эълон қилди ва интернет тезлиғи бўйича рейтингда Ўзбекистон ҳозирги кунда 94-погонани эгаллаб турибди, бир йил ичида 36 поғонага кўтарилиш кузатилди. Умуман, охириги йилда Ўзбекистонда симли интернет тезлиғи 2,5 баробарга ўсди.

Тараққий этган давлатлар қаторига қўшилишимиз учун, энг аввало, илгор замонавий ахборот-коммуникация, интернет ҳамда рақамли технологиялар соҳасидаги билимларни чуқур эгаллаш керакли юксалишининг энг қисқа йўлидан боради. Негаки, биз географик жойлашувимизга кўра қуруқлик орқали йирик сув ҳавзаларидаги портларга чиқиб-чиқиб ўтиш имконияти жуда аяникли ҳолатда эди. Ўз ойлик маошимизнинг қайсидир қисмидан воз кечишимиз ёки зарур товарларни қимматроқ нархларда харид қилишимиз ҳам бор гап эди. Эндиликда эса, банк миқозлари онлайн харидларни амалга ошириш, мобиль қурилмалар ёрдамида пул маблағларини эркин ўтказиш имкониятига эга.

Рақамлаштириш технологияларини кундалик ҳаётимизга мақсадли жорий қилишда энг муҳими, давлат хизматларини енгил қилишга устуворлик

билан интерфаол мулоқот тезлашмоқда. Бу эса “интеллектуал ҳукумат” тамойиллари асосида аҳоли ва тadbиркорлик субъектларига электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада кенгайтириш нақадар тўғри йўл эканлигини ҳам кўрсатади.

Табийики, мазкур ҳолатларни ижобий баҳолаш, эътироф этиш мумкин. Чунки давлатимиз томонидан амалга оширилаётган рақамлаштиришга оид дастурлар халқимиз, қолаверса, тadbиркорларимиз хоҳиш-истакларини тўғри англаш имконини беради. Табиийки, ушбу дастурларни янада кенгайтириш, такомиллаштириш керакли. Бирок айрим муаммолар борки, уларнинг ечимини қисқа фурсатда топиш талаб этилади. Биринчидан, рақамлаштириш бу “маълумотлар омбори”дир, маълумотлар жуда катта ҳаж-

кўзлайди, у ҳам бўлса, биринчидан, аҳолининг яшаш даражасини юксалтириш, иккинчидан, аҳолининг реал даромадларини оширишдир.

У келажак, демак

Шубҳасиз, рақамли иқтисодиёт — келажак. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиғи кўп жиҳатдан рақамли иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган Саноат 4.0 инқилобига мослашиш, рақамли технологияларни иқтисодиётнинг барча соҳаларига жорий этишни қанчалик қисқа фурсатда ҳал этишимизга чамбарчас боғлиқ. Мазкур йўналишда ишларни самарали ташкил этиш рақамли технологиялар соҳасида етарли компетенцияларга эга бўлган етук кадрларга бориб тақалади. Бу борада ҳам тизимли тadbирлар йўлга қўйилганлигини таъкидлаш зарур.

рур шарт-шaroитларни шакллантириш учун муҳим қадам бўлди.

Мазкур қарорга мувофиқ, сунъий интеллектни жорий қилишнинг муҳим жиҳатлари — ҳуқуқий режими, институцион асослар, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, халқро ҳамда миллий стандартлар, сунъий интеллект жорий қилинадиган устувор соҳа ва тармоқлар, халқро ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари қамраб олинган.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича устувор тармоқлар ва соҳалар сифатида қишлоқ ҳўжалиғи, банк, молия ва солиқ соҳалари, транспорт, энергетика, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, электрон ҳукумат соҳалари белгилаб олинди.

Шунингдек, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи ҳузуридagi Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тadbикот институти ва Сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича қўшма альянс республикамизда сунъий интеллектни ривожлантиришнинг институционал асосларини ташкил этади. Бундан ташқари, сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича қўшма альянс таркибига кирувчи ташкилотларда сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш билан боғлиқ фаолиятни молиялаштириш учун ҳан 200 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, ҳозирги кунда сунъий интеллектни ривожлантириш ва бу соҳага инвестиция киритиш бўйича глобал даражада кескин рақобат авж олмакда. Сунъий интеллект соҳасидаги тadbикотларда Хитой Халқ Республикаси аққол етакчи ҳисобланади. 2030 йилга келиб, сунъий интеллект яратадиган қийматни 150 миллиард АҚШ долларига етказиш кўзда тутилган. Шунингдек, сунъий интеллектга инвестиция киритган давлатлар ўнталигидан АҚШ, Буюк Британия, Канада, Россия, Германия, Норвегия, Швеция, Франция, Хиндистон давлатлари ўрин олган.

Фикримизча, сунъий интеллект соҳасидаги стартап лойиҳаларни қўшма молиялаштириш (краудфандинг) механизмларини жорий этиш мазкур соҳани молиялаштириш имкониятларини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали халқимиз фаровонлигини таъминлайдиган ёрқин келажакни кўзал эканмиз, сунъий интеллектни жорий қилиш учун зарурий шарт-шaroитларни яратиш шубҳасиз, бугунги куннинг долзарб ва устувор вазифаси сифатида қаралиши зарур. Агар рақамли иқтисодиёт борасида мўлжалланган вазифалар амалга оширилса, барча соҳаларда улкан амалий натижалар аққол кўринади ва аҳоли фаровонлиғи сезиларли даражада ортади.

Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

2022 йилни ўз уйимизда кутиб олдик

Умримнинг 13 йили уйсизлик билан ўтди...

Яқунига етган йилда мен каби боқувчисини йўқотган, чин етим ва оғир вазиятга тушиб қолганлар учун Пастдарғом туманининг Ғўзалкент массивида туман ҳокимлиғи ташаббуси билан 44 та уй қурилиб, текинга берилди. Ҳа, текинга. Ўзимнинг ҳам ҳалигача ишонгим келмайди. Чунки ўтган йилларда не-не қийинчиликларга рўбарў келмадим, дейсиз.

Отам эрта вафот этган, вояга етмасимдан онам ҳам ҳаётдан кўз юмди. Қариндошларим мени турмушга узатди. Аммо ота-она, ака-ука ёки бошқа жигарингиз бўлмаса, сизни ҳамма ҳам кадрлайвермас экан. Ортимдан борадиган одам бўлмади, камбағал ва ноқорлигим сабабли эримнинг вафотидан сўнг қизим ва ўғлим билан кўчада қолдик.

Шундан сўнг саргардонлик йилларим бошланди. Етимликда торган машаққатим, онамни эрта йўқотиб қийналганларимдан ҳулоса қилиб, иродали бўлишга интилдим. Ошхоналарда идиш-товоқ ювдим, мардикорлик қилдим, бир бурда нон учун бўлса ҳам ишладим. Ўн йилдан ошмиқ вақт гоҳ ижара уйларда, гоҳ бекатларда, ертўлларда, ошхоналарда фарзандларим билан кун кечирдик.



ҚИРҚ ОИЛА ҚУВОНЧИ

Тўрақўрғон шахридан салкам йигирма чақирим олисда жойлашган Ўзбекистон маҳалласида бундан уч йил аввал кўп қаватли уйларни барпо этишга киришилган эди.

Фамхўрлик

Ўтган даврда ҳар бири 24 та хонадондан иборат бўлган 5 та бинога 120 та оила кўчиб кирди. Шинам уй-жойлар даҳаси бу йил ҳам кенгайди. Яқинда 40 хонадонга мўлжалланган яна иккита беш қаватли бино

қуриб битказилди. Арзон уйларнинг аксарияти ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ажратилган.

— Кичкина ҳовлида уч оила, жами 11 киши бирга яшардик. Синглим 2-ғуруҳ ногирони. Уй сўраб қилган



Баъзан ижарага тўлаш учун пулнинг ўзи бўлмаган. Шу сабабли кўчада қолиб кетган кунларимиз кўп бўлди. Яширмайман, ўғлимни бир муддат Мехрибонлик уйига бердим. У ерда ўғлим қийналмасди, оч қолмасди. Аммо виждоним қийналарди, соғинардим. Табиийки, ана шундай вазиятда уй сотиб олиш — бу қўл етмас орзу эди.

Қарангки, бу дунёда бизни ҳам уйлайдиганлар бор экан. Пастдарғомда янги қурилган уйлардан бири — икки сотихдан иборат уч хонали хонадон менга ҳам текинга берилди. Ҳатто уйимдаги мебель, теле-

визор ва гиламларгача ҳомийлар олиб беришди. Баъзан кечалари уйкум қочиб кетади. Аввало, Аллоҳга шукр қиламан, қолаверса, менга ва мен каби муҳтожларга бошпана берган давлатимиз, вилоятимиз ва туманимиз раҳбарларидан миннатдорман. Қизимни узатганман. Бугун ўғлим билан шу хонадонда яшаймиз. Богчадан иш топдим. Баъзан кўни-қўшниларнинг бичиш-тиқишини қилиб, қўшимада пул топаман.

Айтгандай, мўъжазгина 44 хонадоннинг барпо этилиши туфайли мен каби 10 нафар чин етим, ижтимоий ахлови оғирлиғи сабаб фарзандларини Мехрибонлик уйларига топширган 20 нафар аёл ҳамда 14 нафар боқувчисини йўқотган опа-сингилларим ҳам уйли бўлди. Жондан азиз фарзандларини ўз бағрига қайтариб олди. Бошпанасизликдан чеккан изтироблари барҳам топди...

Ахир шу эмасми, юртимизда инсон кадрининг улуғланаётгани?!

2021 йил мен ва қўшнларим учун мана шуниси билан эсдан чиқмай-диган бўлди.

Очилишто АТАУЛЛАЕВА.

Пастдарғом тумани

мувожаатимиз эътиборга олиниб, мана алоҳида хонадонга эга бўлдик, — дейди Иззатилла Мирзаумаров. — Бу бизга Янги йил совғаси бўлди. Бу ишларнинг бошида турган Президентимизга раҳмат.

Янги уйларни топшириш маросимида хонадон соҳибларига туман ҳокимлигининг совғалари ҳам тақдим қилинди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ (Халқ сўзи).

САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР ВА УЛКАН РЕЖАЛАР

Пандемия келтириб чиқарган ноқулайликка қарамай, 2021 йилни салмоқли меҳнат натижалари билан яқунлаб, улкан орзулар ва режалар билан янги йилга қадам қўйдик. Гапнинг очиги, ўтган йил халқимиз учун ҳам, Ватанимиз учун ҳам янгиланишлар даври бўлди, десак, сира муболаға эмас.

Хўш, қўмитамиз ўтган йилда нималарга эришди?

Сарҳисоб

Дастлаб қўмитанинг қонунчилик фаолиятига кенгрок тўхталмоқчимиз. Ҳисобот даврида Сенатга келган қўмита фаолиятига тегишли 6 та қонун мутасадди вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари, қўмита ҳузуридagi экспертлар гуруҳи вакиллари иштирокида дастлабки тарзда қўриб чиқилди.

Бундан ташқари, қўмита аъзолари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида, халқ депутатлари Андижон, Самарқанд, Сирдарё, Навоий, Жиззах, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашларидан Сенатга келиб тушган қонунлар юзасидан муҳокамалар ўтказилди.

Шуларга мос равишда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги ҳамда “Музейлар тўғрисида”ги қонунларни амалга оширишга йўналтирилган қонуности ҳужжатлари қабул қилиниши ва амалда қўлланилиши ҳолати юзасидан мониторинг ўтказилди.

Қўмитамизнинг бу даврдаги назорат-таҳлил фаолияти ҳам самарали бўлди, дейиш учун барча асос бор. Фикримиз қуруқ бўлмаслиғи учун бир нечта мисолларни келтирамиз. Масалан, 2021 йил 23 — 26 февраль кунлари қўмита томонидан Президентимиз илгари сурган беш муҳим ташаббус доирасида Сирдарё вилоятида амалга оширилган ишлар юзасидан маҳаллий Кенгашлар билан биргаликда сектор раҳбарлари ахборотлари эшитилди. Дастлаб беш муҳим ташаббусга масъул вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, вилоят туман ва шаҳарлари ўрганилди.

Яна бир мисол: 2021 йил 23 — 27 март кунлари “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг Жиззах вилоятидаги ижроси маҳаллий Кенгашлар, ишчи гуруҳи ва Ёшлар парламенти аъзолари билан биргаликда таҳлил қилиб чиқилди. Ўрганиш натижалари қўмита ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши қўшма мажлисида муҳокама этилди. Яқунда шу юзасидан қўшма қарор қабул қилиниб, 14 та вазирлик ва идора учун вазифалар белгиланиб, ижрога йўналтирилди.

Ҳозирги пайтда ушбу қўшма қарорлар ижроси юзасидан доимий мониторинг олиб бораёмиз. Шу ўринда ўтган йилда йўлга қўйилган муҳим янгиллик хусусида тўхталиш зарур. Гап шундаки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахрида ёшларни қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, саломатлигини сақлаш, таълимга жалб этиш, ташаббусларини рўёбга чиқариш, тadbиркорликка йўналтириш сингари масалаларда олиб борилаётган ишларни баҳолаш бўйича Низом ва баҳолаш индикаторлари ишлаб чиқилди. Сўнгра эса мазкур масала Сенатнинг ўн еттинчи ялпи мажлиси муҳокамасига киритилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Шу саъй-ҳаракатларимиз натижасида мутлақо янги тизим, яъни ҳудудларда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишини рейтинг баҳолаш амалиёти жорий этилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўтган йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида 14 та ҳудудда мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг тегишли доимий комиссиялари ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари иштирокида рейтинг тизими мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган ўқув-семинарлар ўтказилди. Уларда 700 га яқин масъуллар иштироки таъминланди.

Фаолиятимиздаги муҳим йўналишлардан яна бири, шубҳасиз, халқ билан мулоқот ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш ҳисобланади. Шу мақсадда ўтган йилнинг 11 — 15 январь кунлари Президентнинг Олий Мажлисга йўллаган Муурожаатномасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сессиялари доирасида учрашувлар ташкил этилганини айтиб ўтши ўринлидир.

Ўз навбатида, Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисларидан кейин уларда қўриб чиқилган қонунлар ва бошқа долзарб масалалар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказиш мақсадида турли тadbирлар ўтказилди. Масалан, ўтган йилнинг 10 — 13 февраль кунлари Сенатнинг ўн иккинчи ялпи мажлисида маъ-



қулланган қонунлар, қўрилган масалалар, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури мазмун-моҳиятини аҳоли орасида тушунтириш, жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар ўтказиш ҳамда Сенатга келиб тушган фуқаролар муурожаатларини жойида ўрганиш мақсадида Самарқанд вилоятига хизмат сафари уюштирилди.

Дастлаб Сенат ҳузуридagi Ёшлар парламентининг Самарқанд вилоятидаги аъзолари иштирокида халқ депутатлари Пастдарғом тумани Кенгашининг котибияти, доимий комиссиялари ҳамда жамоатчилик иштирокида учрашув ўтказилди. Унда 2021 йил Давлат дастурида белгиланган муҳим масалалар, Сенатнинг 12-ялпи мажлисида қўриб чиқилган қонунлар, 2021 йилдаги устувор йўналишлар ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар билан биргаликда олиб бориладиган вазифалар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Ҳисобот даврида қўмитамиз аъзолари томонидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 592 та ёзма муурожаат қўриб чиқилди ва 36 та сайёр ва 105 шахсий қабул ташкил этилди. Пировардида эса 351 та масала ижобий ҳал қилинди.

Шунингдек, қўмита аъзолари томонидан муурожаатларда аниқланган масалалар ечим юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 30 га яқин сенатор сўровлари обoрилди.

Умуман олганда, қўмитамизнинг ўтган йилдаги фаолияти чакки бўлмади. Янги йилда эса олдимизда бир-биридан муҳим бўлган вазифалар турибди. Бу вазифаларга ҳам катта масъулият билан ёндашиб, албатта, уларни уддалаймиз.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, маданият ва спорт масалалари
қўмитаси раиси.

Кўҳна Бухоронинг бошқа тарихий шаҳарлардан кралиб турадиган жихатларидан бири – тарихий дгорликларнинг кўплигидадир. Айрим манбаларда улар ни 800 атрофида эканлиги айтилади. Лекин шундай ншоотлар борки, улар баъзи сабабларга кўра, давлат ўхофзасига олинмаган.

1 2 3 4 5 6